Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 21 январь, пайшанба • № 8 (24.403).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«КРА-4» такомиллаштирилди

Андижон вилоятидаги «Агромашсервис» бирлашмаси «Андижонмаш» ҳиссадорлик жамиятига буюртма берганди: ғўза қатор ораларига ишлов бериш ва озиқлантиришда қўлланиладиган «КРА-4» культиваторини такомиллаштириш тўғрисида. Буюртма бажарилди ва кўплаб ишлаб чиқаришга жорий этилди. Экиш-тикиш мавсуми бошлангунга қадар хўжаликларга 600 та шундай культиватор етказиб бериш кўзда тутилмоқда.

Дарвоқе, бу янгилик ўтган йили далаларда синаб кўрилган ва деҳқонларга ғоят манзур бўлган. Шунинг учун бўлса керак, мазкур культиваторларга қўшни вилоятлардан ҳам буюртмалар олинмоқда.

Бахтиёр СУЛТОНОВ

XXI аср ўзбек ёшлари



Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат

«Аёл қадри» лотереяси

Жиззах вилоят ҳокими «Аёллар йили» муносабати билан «Аёл қадри» пул-буюм лотереяси ўйинларини ташкил этиш тўғрисида қарор қилди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси бу тадбирнинг ташаббускори бўлди. Лотерея савдосидан тушган маблағ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон ва ёлғиз аёлларни ҳимоя қилишга сарфланади. Янги лотереянинг дастлабки тиражи Халқаро хотин-қизлар куни — 8 мартда Жиззах шаҳрида ўтказилади.

Абдусаттор СОДИҚОВ

На санга-ю, на манга ...ми?

Ҳурматли таҳририят!

Латифа ишқибозлари «На санга-ю, на манга» деган ҳангомани кўп эшитганлар. Менинг уй-жойга эга бўлиш йўлидаги сарсон-саргардонликларим ҳам шунақа бўлаётир. 1989 йили турмушга чиққан эдим. Минг афсуски, турмуш ўртоғимнинг руҳий касаллиги туфайли тўрт ойдан сўнг ажрашишимизга тўғри келди... (Ҳозирда у руҳий касалликлар шифохонасида даволанмоқда). Хуллас, ҳомиладор ҳолда қайтиб келдим.

Онам, икки нафар сингилларим, акам ва оиласи фарзандлари билан жами 9 киши Акмал Икромов туман 12-мавзе, 1а- уй,29-хонадон (3хонали)да истиқомат қилишарди. Тор жойга томоша бўлиб мен ҳам худди шу уйга қайтиб келдим.1993 йили қўшни 24-мавзе, 41-уй, 59-хонадон соҳиби Ф.Гумаров вафот этиб,1 хонали уйи бўш ётган экан.Қаровсиз уйдаги жиҳозлар талаб кетилган,ташландиқ ҳолида эди. Ўша ердаги «Ватан» маҳалласи оқсоқоллари кенгашиб, мени шу уйга жойлаштирдилар. Мен уйни таъмирлашга киришдим. Хуллас,1995 йилнинг февралидан то 1997 йил октябрь ойигача ўша хонадонда ёлғиз ўғлим Абдумалик Турсунов билан бирга истиқомат қилдик.

Мен бу уйни ўзимга расмийлаштириш, паспортимни рўйхатга қўйиш ҳаракатига тушганимдан сўнг Акмал Икромов туман ҳокимлигидагилар айрича муносабатда бўлдилар.Менга бу уй Ф.Гумаровнинг шахсий мулки бўлганлиги,унинг меросхўри бўлмагани сабабли энди ҳокимлик ихтиёрига ўтганлигини маълум қилдилар.Уй навбати билан кимгадир берилиши мумкинлигини айтишди. Мен ҳам 1991 йилдан бери навбатда турганлигим, касбим ўқитувчилиги, ёлғиз она эканлигимни, жуда ночор аҳволда эканимни тушунтирдим. Йўқ бўлмади. Шу бир хонали уй беш фарзандли (эр-хотин билан қўшиб ҳисоблаганда етти киши) оилага берилди. Табиийки, улар бу хонадонни олмадилар.

Мана, роса 5 йилдан бери ўша бир хоналик уй бўм-бўш. Унда икки ярим йил қандай бахтли яшаган эдик-а... Хуллас,1997 йил октябрь ойида мени ўғлим билан қувиб чиқарганларидан буён бу уй яна бўм-бўш, ҳувиллаб ётибди...

Бу масалада бош уриб бормаган идорам қолмади. Энди, туманимиз ҳокими О.С.Алихўжаев(ҳозирда собиқ)нинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Ш.Рашидовага (ҳамда нусхасини менга)02-1-578/2 рақами билан 1998 йил 8 январда юборган хатидаги ушбу жумлага эътибор беринг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.01.96 йилдаги «Тошкент шаҳрида уй-жой қурилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонига биноан Ш.Ҳикоевага уй-жойни имтиёзли тарзда сотиб олиш учун Тошуйжойжамғармабанк»ка мурожаат этиш тавсия этилган».

Таассуфки, бу «тавсия»дан қувончим узоққа чўзилмади. У ердагиларнинг ҳам йўриғи менга тўғри келмас экан. Биргина йўли—туманимиз ҳокимлигидагилар етти йилдан бери «келмаётган» навбатимга озроқ имтиёз кўрсатишиб, ўша уйга ордер ёзиб бersалар асакаси кетмайди-ку. Ахир, шунча йилдан бери ҳувиллаб ётган ва мен ўз меҳнатим билан обод этган бир хонали уйни қачонгача «на санга,на манга» қабилида «сақлаб» туришаркин?

Аёллар йилида бир муштипар ёлғиз онага бирор умидли жавоб беришар, деб:

Шоҳиста ҲИКОЕВА,
Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани.

Сайловчилар билан мулоқотлар

Депутат ўз округида

Мамлакатимиз туб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар йўлидан изчил бормоқда. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг республика Вазирлар Маҳкамасида ўтган йилнинг 23 декабрида ҳокимлар билан учрашувида 1998 йил якунларига оид фикр-мулоҳаза ва хулосалари ҳамда Олий Мажлис XIII сессиясининг иши бундан далолат беради.

102-Янгиқўрғон сайлов округи сайловчилари билан шу кунларда бўлиб ўтган учрашувларда Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов йиғилганлар эътиборини юқоридаги масалалар моҳиятига ҳамда жорий йилдаги долзарб вазифаларга қаратди. Депутат, шунингдек, парламент сессиясида биринчи ўқишда қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамасига чиқарилган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳақида (янги таҳрирда)» ва «Ноҳукумат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини йиғилганларга тушунтириб берди. Ушбу, Янгиқўрғон тумани маркази ва Чортоқ туманидаги Боғистон қишлоғида бўлиб ўтган сайловчилар билан, учрашувларда мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсати маъқулланиб, жойларда ислоҳотларнинг бориши тўғрисида фикрлар билдирилди, Олий Мажлис томонидан янги қонунлар қабул қилиниши билан ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир фуқаро масъулиятининг ошиши таъкидланди.

Учрашувларда Янгиқўрғон туман ҳокими З. Мамажонов, Чортоқ тумани ҳокимининг ўринбосари Э. Ўринбоев, ХДП Наманган вилоят кенгашининг биринчи котиби Ҳ.Убайдуллаев қатнашдилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бу дунё ишлари

Афғонистон

Аҳмад Шох Маъсуд қўмондонлигидаги ҳарбийлар толибонларга кучли зарбалар бериб, стратегик аҳамиятга молик бўлган Фарёб ва Бамиан вилоятларидаги Ширинтагаб ва Якавланг шаҳарларини эгаллашди. Толибонлар Ширин-тагаб орқали Майманa, Шибирғон, Мозори-шариф шаҳарларига озиқ-овқат, ҳарбий аслаҳалар етказиб бериш имкониятидан маҳрум бўлишди. Маълумки, ушбу шаҳарларни толибонлар ўтган йилнинг сентябрь ойи охирларида қўлга киритишган эди. Ширин-тагаб ва Якавланг атрофларида ҳанузгача отишмалар тўхтагани йўқ.

Курдистон

Курдистон ишчи партиясининг раҳбари Абдулла Ожалан Туркия ҳукуматига қарши яна кенг қамровли ҳарбий ҳаракатлар бошлаши тўғрисида дўқ-пўписа қилди. Унинг эътироф этишича, Европа Иттифоқига катта умид боғлаганлигини, ЕИ курдлар муаммолари бўйича халқаро конференция ўтказиши лозим эди. Афсуски, ЕИ бундай қарорга келмади. Ожалан Туркия билан қуролли курашдан бошқа йўлни кўрмаяпти. У Италияда икки ой бўлиб, бу ердан жўнаб кетди. Ҳозирча унинг борадиган жойи сир тутилмоқда.

Америка Қўшма Штатлари

Косоводаги аҳволни кузатувчи халқаро комиссия раҳбари Уильям Уоккернинг 48 соат мобайнида мамлакатдан чиқиб кетиши тўғрисидаги Югославия ҳукуматининг қарори чет эл сиёсий доиралари ўртасида катта норозилик уйғотмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ушбу қабул қилинган қарордан афсусда эканлигини билдириб, уни қайта кўриб чиқиш кераклигини таклиф қилди. Югославия Президенти Милошеевич билан учрашуви белгиланган НАТОнинг Европадаги бош қўмондони Уэзли Кларк, Косово хавфсизлигини таъминлаш бўйича берган ваъдаларини бажаришга президентни мажбур қилиш керак, — деди. НАТО бош секретари Хавьер Солано ва АҚШ давлат секретари Мадлен Олбрайт, — агар Белград ўз сўзида туриб мажбуриятларини бажармаса ғарб ҳарбий куч ишлатишга қодир ва тайёр, — деб таҳдид қилди.

Болажон ўзбегим



Х. МАМАТҚУЛОВ олган сурат

«Раис зўрми ё қонун?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 26 декабрь сонида «Раис зўрми ё қонун?» сарлавҳали мақола босилиб, унда Иштихон туманидаги «Мингчинор» агросаноат тижорат фирмасига қарашли «Чавандоз» фермер хўжалиги раҳбари А. Саидазимовнинг фермер хўжалиги фаолиятини юритишда оворагарчилик ва сансалорликка дуч келгани ҳақида ёзилган эди.

Ушбу мақола тегишли мутахассислар иштирокида жойида атрофлича ўрганиб чиқилди ва муҳокама якуни бўйича шу йил 4 январда вилоят ҳокимининг 1-К рақамли қарори қабул қилинди.

Қарорда Иштихон тумани ҳокими С. Муродовга туманда «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари асосида фермер хўжаликлари ишини ташкил этишга етарлича эътибор бермаганлиги учун ҳайфсан эълон қилинди.

«Чавандоз» фермер хўжалиги фаолиятини қонун талаблари асосида ташкил этишда камчиликларга йўл қўйилганлиги учун Иштихон тумани ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари Н.Турсунов ҳамда «Мингчинор» агросаноат тижорат фирмаси бошқарувининг раиси К. Эргашев вазифаларидан озод этилдилар.

Қишлоқ туманлари ҳокимларига мақолани муҳокама этиб, ушбу хато ва камчиликларни ўз туманларида такрорланишининг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилаш топширилди.

Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А. ҲАСАНОВ

Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди

Журналист сафардан қайтди

Пахтачи туманидаги Зиёвуддин шаҳарчасида яшовчи Раҳмонова Карoматнинг куйиниб таҳririятга йўллаган мактуби бизни йўлга чорлади.

Туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Моҳира Бекбоева билан бирга Карoматнинг кўримсизгина ҳовлисига кириб борганимизда изтироблардан эзилган хонадон соҳибаси кутиб олди. Полсиз, бўм-бўш уйга омонат қурилган тахта чорпояга кўрпача тўшаб, бизларни таклиф қиларкан, ҳижолатини яширолмасди.

— Ҳозиргина бозордан келдим, тирикчилик, уйларга ҳам қаролганим йўқ. Редакциядан келган бўлсангиз керак, ўргилай сизлардан, мени ҳам тинглайдиганлар бор экан... Қирққа кирмай касалманд бўлиб қолдим. Катта ўғлим эндигина мактабни тугатди. Отаси бўлганида бирор ўқишга қўярмиди. Энг кичкинам боғчага қатнайди. Яна иккитаси ҳали мактабда ўқийди.

1996 йил ноябрь ойлари эди. Кечаси ўн бир яримлар чамаси дарвозамиз қаттиқ тақиллади. Дарвозани очишга мен билан бирга катта ўғлим Баҳодир ҳам чиқди. «Иттифоқ» жамоа хўжалигининг экспедитори Мусаев Меҳриддин, яна икки нотаниш киши кириб келишди.

— Хўжаликка тафтишчи келиб қолди, эрингизни чақиринг, — деди у.

— Эрим уйда йўқ, — дедим.

— Бўлмаса гап бундай, — деб ёнидан битта қоғозни олди. — Мана шунга эллик минг вексел деб ёзинг. Қўрқманг, ҳеч нарса бўлмайди, мана оппоқ қоғоз-ку, ҳеч нарса ёзилмаган, — деди.

Ҳоли-жонимга қўйишавермаганидан кейин қоғозга қарамай, 50 (эллик минг) сўм, деб ёзиб бердим. Шу билан улар чиқиб кетишди. Эрим Норқулов Рустам мени роса уришди, жанжал қилди.

Орадан тўрт-беш ой ўтгандан кейин, бир куни участка нозири Тошев Маҳмуд келди-да, эрим Норқулов Рустамни олиб кетиб, қамаб қўйди. Қистовга солинган эрим бечора охири «Ҳақиқатдан ҳам 50 (эллик минг) сўмлик векселни бозорга олиб бориб сотганман» деб ёзиб берган. Аслини олганда бу ёлғон. Шундан сўнг, 1996 йил ноябрь ойидан 1997 йил апрелигача Оқтош шаҳар ички ишлар бўлимига қатнаб иккаламиз ҳам тергов бера бошладик. Терговчи Худойқулов Мардон эрим иккаламизни тергов қилди. Ўшанда билдимки, Мусаев Меҳриддин ёздириб кетган ўша оқ қоғоз «ишонч хати» экан. Шу билан 1997 йил июнь ойида суд бўлди.

Судланувчилар Мусаев Меҳриддин, Ҳақбердиев Сайриддин, Ражабов Тожинорлар турмуш ўртоғим Норқулов Рустамга «эллик минг сўмлик векселни бухгалтерия ҳужжатисиз берганмиз» деб даъво қилишди. Нарпай туманлараро прокуратураси масалани чуқур ўрганмай туриб «Иттифоқ» хўжалигига қарашли қиймати эллик минг сўм бўлган векселни ўзлаштирган, хўжаликка катта зиён етказиб, давлат мулкини талон-торож қилганликда айбланиб, ЎзРЖКнинг 167-моддаси III қисми «Б» банди билан жиноий иш қўзғатилиб эримни асоссиз айблади.

Нарпай туманлараро прокурор ёрдамчиси Худойқулов Мардон турмуш ўртоғим Норқулов Рустамга вексел ҳеч қайси банкда йўқ, демак, уни сен ўзлаштириб юборгансан, деди. Нима бўлса ҳам ҳамма айб эримнинг бўйнида қолаверди. Аслини олганда улар эллик минг сўмлик векселнинг қаердалигини ҳам текшириб кўрганлари йўқ. Нима бўлса бўлар дедим-да, суд давом этаётган бир пайтда, эримнинг айбсизлигини исботлаш учун, векселларни излаб топишга аҳд қилдим.

Адвокат Олим Жавадов томонидан республика «Пахта-банки»га юборган сўров хати орқали ихтисослашган акционерлик-тижорат «Пахта-банки» банк жараёнлари бошқармаси бошлиғи С. Иноғомовнинг 23 июль 1997 йил, 12/3, 722 «а» рақамли жавоб ҳатида шундай дейилган: **«Ўзпахтасаноатсотиш» акционерлик уюшмаси томонидан муомалага чиқарилган ПС-001 серияли, тартиб рақами 0003495, номинал қиймати 50 000 (эллик минг) сўмлик оддий вексел 1996 йил 3 февралда сўндириш учун ИАТ «Пахта-банки»нинг Булунғур бўлими томонидан тўловга тақдим этилганини маълум қилади».**

Жон ҳолатда югуриб эримга озгина бўлса ҳам енгиллик бўлсин, деб олиб келган хатимга суд мажлисига раислик қилувчи вилоятдан келган судья Абдулқосим Халилов қайрилиб ҳам қарамади, уни инобатга ҳам олмади. Шу билан суд жараёни тугади. Туҳматга қолган эрим Норқулов Рустам айбсиз айбдор бўлиб саккиз ярим йилга озодликдан маҳрум этилди. Додимизни ҳеч кимга айтолмай қолавердик. Туҳмат шундай ёмон нарса экан-а! Шунинг учун донолар ҳам бежиз айтишмаган экан-да, ўт балоси, сув балоси, туҳмат балосидан асрасин, деб.

Ахир ўша эллик минг сўмлик векселга эримнинг ҳеч қанақа алоқаси йўқлигини мен яхши биламан-ку! Бир сўм топса уйга олиб келадиган эрим шунча пулни мендан яширмайди-ку. Шунча пулимиз бўлса шу аҳволда яшармидик. Қаранг, бирорта молимиз бўлмаса, қишдан қандай қилиб чиқиб оламиз, ҳайронман...

Ҳа, Рустам Норқулов механизациялашган трактор паркида инженер-технолог бўлиб ишларкан. Ўз-ўзидан шундай савол туғилади. Хўш, бу эллик минг сўмлик вексел Рустам Норқуловнинг қўлига қандай қилиб тушиб қолди?

Меҳриддин Мусаев Рустамнинг қалин ошнаси экан. Бу диёнатсиз ўз қадрдон ўртоғини ҳам чоҳга итарадими? Тўғрида, хиёнат бор жойда адолат қон қақшайди.

Демак, жамоа хўжалиги раиси Сайриддин Ҳақбердиев, бош ҳисобчи Тожинор Ражабовлар эллик минг сўмлик векселни ўзлари ўзлаштириб, энди бирор чорасини топ, қандай қилиб бўлса ҳам йўлини қил деган бўлишса, экспедитор Меҳриддин Мусаев Рустамга бир «дўстлик» қилган бўлса ажабмас.

Рустамнинг иш жойи бошқа бўлса, унинг Нарпай тумани, «Иттифоқ» жамоа хўжалигига ҳеч қанақа алоқаси бўлмаса, қандай қилиб бу эллик минг сўмлик векселни олади? Ҳозир биров-бировга пул берадиган замонми? Қуруқ туҳматга қолиб ўтирган жабрдийда Норқуловнинг хотини Каромат Раҳмонованинг изтироб ўтида қоврилиб кўз ёш тўкканича бор-да.

— Ҳақиқат рўёбга чиқса, дадам ҳам қамоқдан чиқадилар-да, — дейди Баҳодир умид тўла кўзлари жовдираб.

Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо ҳеч қачон синмайди. Баъзи бир юқори ташкилотларда ўтирган мансабдор шахслар инсон тақдири ҳал этилаётган бир чоғда, оқни оққа, қорани қорага ажратишда виждонан иш тутсалар яхши бўларди.

Эркатош ШУКУРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Раҳбар тафаккурини чархлаб

ХДП ҳаёти

Ҳар бир фуқаро, айниқса, раҳбар ходим қонундан нафақат хабардор бўлиши, балки уни билиши, тушуниши ва ижро этиши талаб этилади. Зеро, қонунларнинг партия кучи унинг бажарилишидадир. Шу ақидага амал қилган ЎзХДП Учқўрғон туман кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда раҳбар ходимларнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш бўйича ўқув ташкил этди.

Дастлабки машғулотда барча корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбарлари белгиланган дастур асосидаги ўқув машғулотида қатнашдилар. «Ҳуқуқий билимларни ошириш — давр талаби», «Ҳуқуқий жамиятни барпо этишда адвокатуранинг аҳамияти», «Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласининг долзарблиги», «Қонун устуворлигини таъминлаш — бош вазифа» мавзуларида маърузалар қилинди. Вилоят ҳокимлиги бўлим мудири З. Воҳидов, вилоят адвокатлар уюшмаси раиси, жаҳон адвокатлар уюшмасининг аъзоси А. Мамажонов, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси И. Камолов ва бошқаларнинг чиқишлари тингловчилар томонидан эътибор билан тингланди.

Ҳар ҳафтада бир ўтадиган машғулот йил бўйи узлуксиз давом эттирилади. Шунингдек, лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзуви, иқтисод, тадбиркорлик соҳалари бўйича ҳам курсларга тингловчилар ёзилмоқдалар.

Партия кенгаши бу борада вақтинча ишлаётган ҳамда мутахассислиги бўлмаган ёш йигит-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортиш учун ўқувчиларга катта эътибор билан қарамоқда.

Мамат МАҲМУД

Оталар — ҳаёт тоғлари

«Эркаклар оилада аҳли аёлларга бошлиқдирлар», — дейилади ҳадиси шарифда. Дарҳақиқат, оила ҳаётига, унинг равнақига оид барча ички ва ташқи муаммолар оналар ва фарзандларнинг фаол иштирокида асосан отанинг онгли ва оқилона маслаҳати ва кўрсатмаси билангина ҳал қилинади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир ота ўз оиласининг боғбони, фарзандлар эса ана шу боғдаги ниҳоллар — мевали дарахтлардир. Бу дарахтларнинг қандай улғайиши, ҳосилга кириши, бу ҳосилнинг таъми ва унуми боғбоннинг миришкорлигига , унинг меҳнатига, матонатига боғлиқ. Юксак намунавий одоб ва маданият соҳиби бўлмаган киши чинакам оила боғбони, унинг муносиб тарбиячиси бўла олмайди. Буюк файласуф Абу Наср Фаробий бундай деган эди: «Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқ билан якунланади. Билим, маърифат, албатта яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим». Бас, шундай экан, ота ўз обрўси ва оиладаги тутган мавқеи билан бу ўта масъулиятли вазифани бажаришга муносиб ва доим тайёр бўлиши шарт. У ўзининг онгли ҳаёти ва мустаҳкам имон-эътиқоди, одоб-ахлоқи, яшаш тарзи ва ҳалол меҳнат фаолияти билан ўз оила аъзоларига намуна мактаби, ибрат кўзгуси бўлмоғи лозим.

Шу боис ота-она фарзандларининг руҳий дунёсини, фесли атворини, қобилият ва эҳтиёжларини чуқур билмоғи даркор. Оилани бошқариш ва тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши ана шу бош мезонга амал қилинган тақдирдагина оилада нормал (мўътадил) руҳий иқлим ҳолати вужудга келади. Унда илк муносабатлар — тотувлик, ҳамжиҳатлик, андиша, самимий меҳр-оқибат ва шу каби бошқа инсоний хислатлар шаклланади.

Шунга кўра ота-онанинг қадри-қимматини сўз билан ифодалаш амри маҳол. Уларнинг баҳосини на бойлик ва на зебу-зийнат билан ўлчаб бўлмайди. Ўз фарзанди камолатини ўйлаган ота, уни жамият ва халққа зарур ва муносиб фарзанд қилиб вояга етказиш учун жон фидо қилади. Шу туфайли ҳам, фарзандлар умр бўйи ўз ота-оналари ҳузурида қарздордирлар, дейишади.

Ҳикмат китобларида ота-онанинг фарзандига нисбатан саксонта ҳақи борлиги ёзилган. Уларнинг қирқтаси барҳаёт вақтида ва қолган қирқтаси вафотидан кейиндир. Фарзандларнинг бурчи ота-онани севмоқ, ота-она учун лозим бўлса жонини ҳам фидо қилмоқдир. Ҳазрати Навоий ёшларга қарата: «Бошни фидо айла ота қошига, жонни қил садқа она бошига», деб бежиз хитоб қилмаганлар.

Таассуфки, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, фарзандларимиз орасида ҳам кексайиб қолган отасининг қадрини ерга урадиган, унинг дилини яралаётган қўпол сўз, бетгачопарлар ҳам учраб туради. Шу ўринда қуйидаги ривоятни эслаб ўтиш ўринлидир. Қадимда бир афтодаҳол деҳқон яшаб ўтган экан. Унинг ёлғиз ўғли бор экан. У боласини авайлаб тарбиялабди. Йигит вояга етиб, катта савдогар бўлибди. Кўп элларга борибди. Кўп дўстлар орттирибди. Кўп тиллар ўрганибди. Эл ўртасида обрў топибди. Кунлардан бирида унинг уйига ўзга элдан орттирган дўстлари меҳмон бўлиб келишибди. Йигитнинг оддий ва юпунгина кийинган отаси меҳмонлар ҳузурига кириб хизмат қилиб юрган экан. Меҳмонлар ўз тилларида «Бу одам ким?», деб сўрашибди. Йигит отасининг оддийгина эски кийимидан, қадоқ босиб кетган қўлларидан уялибдики, «хизматкоримиз» деб қўя қолибди. Отаси улар қай тилда гаплашганини билмаса ҳам воқеани тушунибди. Боласини оқ қилибди. Бундан хабар топган меҳмонлар ҳам йигитдан бир умрга воз кечиб кетишибди. Гарчи бу афсона бўлсада, унда муайян ҳақиқат бор.

Зайниддин ИСАМУҲАММЕДОВ

Муносабат

Инсон хотирасиз яшай олмайди

Президентимиз Ислом Каримовнинг куни кеча мамлакатимиз Бош майдонида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш жараёнида айтган гаплари кўпчилик сингари мени ҳам чуқур ҳаяжонга солди. Дарҳақиқат, йўлбошчимиз таъкидлаганидек, инсон хотирасиз яшай олмайди. Бу оламда жамики мавжудот орасида фақат инсонгагина ўтмишини, ўтганларини хотиралаш, тарихдан зарур сабоқлар чиқариш саодати берилган. Хотира — кўнгил иши. У ҳақиқат, аниқлик асосига қурилгани учун ҳам азиздир. Аммо тан олиш керак, бундан ўттиз йилча бурун Тошкентда пайдо бўлган Номаълум аскар қабри, уни зиёрат этиш, орадан неча ўн йиллар ўтса-да, миллатимиз, халқимиз табиатига сингишиб кетолмади. Аслини олганда, бунга унчалик ажабланмаса-да бўлади. Аввало, ўзбек онахони ёки отахонининг номаълум одам қабрини, бунинг устига, сунъий қабрни зиёрат этишини тасаввур қилиш қийин. Чунки номаълумликда мавҳумлик, бегоналик бор. Ҳақиқий зиёратга, иззат-икромга халқит берадигани ҳам, менингча, ана шунда — мавҳумликда эди. Очиғини айтганда, аввал собиқ Шўро империяси пойтахти Москвада, сўнгра бошқа республикалар марказларию, шаҳарларида ҳам кетма-кет пайдо бўлган бундай «қабрлар» ўзининг миллий ва диний анъаналарига содиқ биз, ўзбекларнинггина эмас, балки бошқа кўпчилик миллатлар турмушидан ҳам мустаҳкам жой ололмади. Чунки «Номаълум аскар қабри» деган тушунча кимдир томонидан ўйлаб топилган, замини пуч, хотирани мустаҳкамлашга эмас, аксинча уни сусайтиришга хизмат қиладиган тадбир эди. Шу ўринда собиқ шўро замонида маълум бир миллатни улуғлаш учун атайлаб ўйлаб топилган яна бир тадбир ёдга тушади. Тошкентдаги «Биродарлик қабристони» деб аталмиш даргоҳда бўлсангиз, кўплаб мармар лавҳаларга кўзингиз тушади. Уларга Москва, Ленинград, Волгоград, Минск каби кўплаб «қаҳрамон шаҳарлар» номи битилган. Ҳа, «Қаҳрамон шаҳарлар». Нега уруш ўз домига тортган минглаб шаҳару қишлоқлар орасидан фақат улар қаҳрамонлик унвонига лозим топилган? Нега айнан шаҳарлар? Нега қишлоқлар, қўрғонлар, вилоятлар, республикалар йўқ бу рўйхатда? Ахир, ўтган урушни бартараф этишда улар аҳолисининг ҳам хизмати кам бўлмаган-ку! Умуман, шаҳар ёки қишлоқни қаҳрамон деб аташ тўғрими? Жасорат, қаҳрамонлик турар жойга эмас, фақат инсонга хос фазилат эмасми...

Инсон нимани, кимни, нима учун эслаётганилигини билиши, ундан таъсирланиши, фахр туйғуларини туйиши керак. Шунда кўзланган мақсадга эришилади — хотира тирикларга хизмат қилади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан жадал бунёд этилаётган Хотира майдонини ташкил этишдан мақсад ҳам шу. Унга зиёратга келган киши сунъий қабр устида турган беш юлдузли каскани эмас, олтин лавҳада ифода топган иззат-икром, буюклик, мангулик ва фахр рамзи — ўз ватандошларининг исм-шарифларини кўради. Дунёни фашизм зулмидан қутқариш йўлида ҳалок бўлган ватандошларининг жасоратидан фахрланиш туйғусини туяди. Хотира майдонида ташкил этилаётган улкан мажмуанинг яна бир маънавий ўзига хослиги — собиқ шўро замонида кўплаб шаҳар ва қишлоқларда пайдо бўлган ёдгорлигу ҳайкалларда акс этганидек, уруш ва ажал тимсоллари — қурол-яроғ — милтиқ, автомат, граната, пулемёт, танк ва ҳарбий техникани кўз-кўз қилмайди. Улар дилга алам ва совуқлик солади. Чунки минглаб, миллионлаб кишилар ана шундай қуролларнинг ўқига учиб ҳалок бўлган, танклар тагида эзилган. Қурол-яроғ, ҳарбий даҳдаҳа — «совуқ уруш», мустабидлик, империяпарастлик тимсолларидир. Бунёд этилаётган Хотира майдони миллатни, халқни бирлаштирувчи, жисплаштирувчи муқаддас қадамжога айланади, деди Президентимиз. Майдонга гарчи иккинчи жаҳон уруши жангларида ҳалок бўлган ватандошларимизнинг исм-шарифлари битилган лавҳалар ўрнатилса-да, у ерда миллатимизнинг, ватанимизнинг шаъни, эрки ва озодлиги йўлида шаҳид кетганларни ҳам хотирлаш мумкин бўлади. Чоризм истибдодига, шўролар зулмига қарши курашларда жон фидо қилганлар, Сталин лагерларида, уруш йилларида оғир меҳнат фронтида қурбон бўлган минглаб ватандошларимиз ана шулар жумласидандир. Фожиали йилларда қурбон бўлганларнинг барчасининг номини тўла тиклаш қийин... Юртимизда амалга оширилаётган бундай буюк ишларни кўрар экансиз, Ислом Каримовнинг яна бир ўгити ёдга тушади: миллат ўзлигини сақламоқчи бўлса, унинг хотираси абадий бўлмоғи керак. Йўлбошчимизнинг яна бир гапи минглаб ватандошларимиз қалбида ўзининг илиқ акс-садосини берди деб ўйлайман. Бу — шу юрт, шу Ватан, шу миллатни дея курашган юртдошларимизни қадрлаш, эъзозлаш доимий эътиборимизда туриши лозимлиги ҳақидаги чақириқдир. Йўлбошчимиз таъкидладиларки, инсонни аввало тириклигида эъзозлаш, қадрига етиш керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда, сафлари тобора сийрак тортиб бораётган уруш иштирокчиларига, умуман хонадонларимиз зийнати бўлган қарияларга мамлакатимизда кўрсатилаётган ғамхўрликлар эътиборга моликдир. Фахрийларга берилаётган нафақа ва пенсияларнинг доим оширилиб бораётгани, даволаниш, дам олиш, транспорт, уй-жой, коммунал хизматларидан фойдаланишдаги кўплаб имтиёзлар шулар жумласидандир. Президентимизнинг 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаш тўғрисидаги таклифи ҳам ана шу ғамхўрликнинг яна бир кўриниши. Зеро, ўзининг асл фарзандлари жасоратини унутмаган, уларнинг қадрига етган миллатгина мангуликка дахлдордир. — Президентимиз ташаббуси билан Хотира майдони ташкил этилиб, у ерга урушда ҳалок бўлган барча ватандошларимизнинг исм-шарифлари ёзиб қўйилишини эшитиб, кўзларимга ёш келди, — дейди Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги «Кўкдала» қишлоғида яшовчи Турсунқул Жўраев. — Мен отамни эслай олмайман. Отам фронтга кетганида 6 ойлик чақалоқ бўлган эканман. Етимликда ўсдим. Онам ҳам отамни кута-кута оламдан ўтди. Шу пайтгача отамнинг изларини излаб, юкиниб борадиган, зиёрат этадиган жойим йўқ эди. Энди ана шундай муқаддас даргоҳ пайдо бўлди. У — Хотира майдони. Ундан отамнинг ҳам исми-шарифи жой олади. Хотира майдони очилиши биланоқ, насиб этса невараларимни олиб Тошкентга бораман. Уни зиёрат қиламан. Бу гапларга яна бирор нарса қўшимча қилиш қийин.

Қулман ОЧИЛОВ (ЎзА).

Амалий учрашув

Тошкент шаҳридаги 274-мактабда адабиёт фани бўйича тажриба- синов мулоқоти бўлиб ўтди. Унда олимлар, адабиётчилар, адабиёт ўқитувчилари мустақиллик адабиётини миллий қадриятлар асосида ўқувчиларга етказиш масалаларида атрофлича фикр алмашдилар. Адабиётга янги дастурлар киритиш, Ватан адабиётини мактабларда ўқитилишини кучайтириш ҳақида мулоҳаза юритилди. Тадбирда Тошкент Давлат дорилфунуни филология факультети декани Қозоқбой Йўлдошев амалий ҳамкорлик тўғрисида сўзлади.

Бобомурод РАЙИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Орамиздаги одамлар

Илдизлари теран чинор

Зарметандаги Асадовлар сулоласининг давомчилари бевосита чинор илдизларига, унинг теран томирларига ўхшайди.

Сулола бошлиғи Қаҳҳор Асадов мана йигирма йилдирки, раис сифатида фаолият кўрсатаяпти.

— Йигирма йил ичида хўжалик эски хутор типидаги кўринишдан замонавий агрошаҳарча қиёфасига айланди, — дейди бошқарув раиси Қаҳҳор ака. — Ҳозир 1515 нафар оилага эга бўлган Қизилтепа туманидаги мазкур хўжаликда қарийб ўн минг нафар аҳоли истиқомат қилаяпти. Хўжалик тўлиқ ғазлаштирилган.

Қишлоқ йўллари асфальт. Жилвон ер ости ҳавзасидан водопровод суви келтирилаяпти. Хўжаликнинг ўз тарих музейи, стадиони, соғломлаштириш пункти, ҳаммоми бор. Кейинги йилларда қуриб фойдаланишга топширилган сут заводи, ғишт заводи, консервалаш линияси, тикувчилик цехида юзлаб қишлоқ ёшлари меҳнат қилишаяпти. Шунингдек, бу ерда телевизор, музлатгич устахонади шуларнинг самарали меҳнати туфайли жорий йилда 2486 тонна пахта, 1370 тонна дон, 13,3 тонна пилла, 55 тонна полиз (208 тонна мева, 255 тонна сабзавот) ишлаб чиқарилди. Фермерчилик ҳаракати боис чорвачилик ҳам рентабелли тармоққа айлантирилди. Ҳозир уюшма бўйича 580 бош қорамол, мингта қўй, мингта парранда, 12 бош йилқи мавжуд. Ўз навбатида ғалларчилик ҳам кони фойда соҳага айланиб қолди. Чунки, ерни ижарага олган ҳар бир фермер гектаридан 48-50 центнердан ошириб ғалла олаяпти. Темур Раҳмонов, Саттор Асадов, Маҳмуд Шарипов бошлиқ фермерлар эса 52-55 центнердан ҳосил олишди.

Худди шу дон, пахта ишлаб чиқаришдаги илғорлик, тажрибаларга мунтазам таяниш сабаб хўжалик тўлиқ уруғлик етиштирувчи элита хўжалигига айлантирилган. Бу ҳам кони фойдадир. Сара, тезпишар, шароитга мос уруғ учун ҳамма фермерлар масъулдир. Ҳаттоки, мақбул уруғ учун махсус ер, эртапишар нав учун енгил тупроқли майдонгача обдан ўрганиб чиқилган. Алмашлаб экиш схемасида бунга тўла амал қилинади.

Туман халқ таълими бўлими мудири, республика Олий Мажлиси депутати Турсунпўлат Фатуллаев, туман деҳқончилик ва сув хўжалиги уюшмаси раиси Абдумалик Тоғаев, Бўрдоқичилик пункти мудири Исроил Нуралиев, Ўртачўлдаги «Зарбдор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Қандиёр Маликов, ишбилармон мутахассис Аҳмаджон Латипов, Қ.Асадов шогирдларидир. Зеро, уларнинг ҳаммаси Қаҳҳор ака «мактабида» таълим олишган.

Нафақат шогирдлар камолоти, балки оила ва рўзғор ташвиши, фарзандлар тарбияси ҳам қаҳрамонимизни бефарқ қолдирмайди. Қаҳҳор ака раҳматли умр йўлдоши, марҳума Пўлатой ая билан қарийиб кирк йил умргузаронлик қилди. Ана шу даврда етти фарзанд: икки ўғил, беш қиз кўриб, уларни камоли инсон қилиб улғайтирди. Оиланинг тўнғич фарзанди Гулчеҳра — туман болалар поликлиникаси бош врачи, Саттор эса хуқуқшунос, Гулнора «Зармитан»даги қишлоқ врачлик амбулаторияси бош ҳакими, Салим чорвадор-фермер. Лола олий маълумотли тарбиячи, «Ширин» болалар боғчаси мудираси, Ҳидоят ўқитувчи, Гулмира бўлса технолог. Хуллас фарзандларнинг айтарли ҳаммаси олий таълимга, зарур иш тажрибасига эга. Йигирмадан ортиқ невара, эваралар бўлса бобожониси Қаҳҳор ака теварагида гиргиттон.

...Яйдоқ Ўртақўл ва Маликчўл даштлари. Шу кузакда даштдан янгидан эллик гектар ер очилиб, кузги буғдой экилди. Янги 1999 йилда ҳам худди шунча ер ўзлаштирилиши шарт. Зеро, янги ер, қўриқ майдон эртага асқотиши муқаррар. Буни раис жуда яхши билади. Чўлдан қайтиб, «Магнум» ишлаётган «шўрқарта» шудгоридан, ўртаарик тарафдаги ҳашарчилардан ҳам хабар олиши керак. Хуллас, ишлар кўп.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда тадбикорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Фикримизнинг ёрқин далили сифатида, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида ўз фаолиятини юритаётган биргина «DEROZ» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмасининг ишдаги ютуқларини келтирайлик.

Ҳозирда қайси бир дўконга кирманг, «DEROZ» хусусий фирмасининг тамғаси қўйилган қандолат маҳсулотларига кўзингиз тушади. Улар: «Барбарис», «Рачки» номдаги конфетлар, «Қизил шапкача» ва бошқа турдаги вафлили шоколадлардан иборатдир.

Мазкур жамоа Америка Қўшма Штатларининг «Эйшэн Кроссроудс Лоун» компаниясидан 115 минг АҚШ доллари миқдоридаги имтиёзли кредитни олиб, ўз фаолиятини бошлаган эди. Эндиликда «DEROZ»нинг маҳсулотларига талабгорлар сони кун сайин ортмоқда.

— Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг таркиби турли кимёвий воситалардан холи бўлганлиги ҳамда экологик жиҳатдан тозалиги боис ҳам харидорларимизнинг сафи тобора кенгаймоқда, — дейди хусусий фирма раҳбари Ҳасанжон Илҳомов.

Дарвоқе, 30 кишилик бу кичик меҳнат жамоасида ватанимизнинг жонкуярлари меҳнат қилишмоқда.

Суратларда:

вафлили шоколад цехининг ишчилари: Матлуба Шокирова, Дилдора Ибрагимова ҳамда Дилноза Соиповалар ва «DEROZ» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Ҳасан Илҳомовни кўриб турибсиз.

Шавкат АКРОМОВ олган суратлар

Кўнгироқ

Қарздорлик ҳалқаси

Элликқалъа туманидаги хўжаликларда пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликка алоҳида эътибор берилиб, аҳолини гўшт, сут билан таъминлашда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Чорвачиликка ихтисослаштирилган бир қатор фермер хўжаликларда гўшт, сут етиштириш аввалги йилларга нисбатан анча кўпайди. Албатта, бунга осонлик билан эришилаётгани йўқ. Қорамоллар зотини яхшилаш, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, ветеринария ва зоотехника хизматларини тўғри йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда.

Биз «Илҳом» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлиб, бу ердаги чорвадорларнинг аҳволи билан танишдик. Уларнинг кайфияти яхши. Ҳар бир сигир, бузоқ асраб-авайлаб парвариш қилинмоқда. Ҳиссадорлик жамиятига Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, зоотехник, Ўзбекистон ХДП аъзоси Мўмин Жуманиёзов раҳбарлик қилмоқда.

— Деҳқончилик қилаётган еримиз 30 гектардан ошмайди. — дейди суҳбат чоғида Мўмин Жуманиёзов, — Бу мавжуд 466 бош шартли қорамолга жуда камдир. «Сарибий» деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси балансидаги 77 гектар бедани ўзимиз суғорамиз, озиқлантирамиз, парвариш қиламиз. Яна ўзимиз ўриб оламиз. Шунча меҳнат қилиб уюшмага қуритилган бир килограмм беда пичанига 3 сўм 50 тийиндан, хўл беданинг бир килограммига 1 сўм 50 тийиндан ҳақ тўлашимиз керак. Шу ер бизнинг балансимизга, ёки ихтиёримизга ўтказилганида ишимиз янада самарали бўлур эди.

Суҳбатимизга ҳиссадорлик жамияти ҳисобчиси Отамурод Кенжаев қўшилди: — Шунча меҳнат эвазига соғиб олаётган сутимизни Нукус сут заводига топширяпмиз. Топширган сутимизга пул тўламай насияга олиб қолаверса, ишимиз қачон яхшиланади? Ҳаммаси бўлиб биздан завод 4 миллион 665 минг сўм қарз. Биздан шунча қарзи бўлса ҳам уларга кунига 680-750 литрдан сут топширяпмиз. Бу бор муаммо!

Биз бу аҳволни янада чуқурроқ билиб олиш мақсадида «Нукуссут» ҳиссадорлик жамияти раиси Давлатбой Тотибоевга мурожаат қилдик: — Тўғри «Илҳом» ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятидан қарздормиз, — деди у. — Ҳозир ҳам сутни қарзга олаяпмиз. Бунинг асосий сабабларидан бири турли вазирликлар, идоралар биздан олган сут маҳсулотларига пул тўламаётганлиги, иккинчидан кейинги пайтда табиий газ, энергиянинг нархи ниҳоятда кўтарилиб кетганлиги. Унга кетган харажатлар ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотларининг таннархини жуда ҳам қимматлаштириб юборяпти. Оқибатда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз тўхтаб қолаяпти. Вазирликлар, идоралар биздан олган маҳсулотларнинг пулини ўз вақтида тўлашганда, табиий газ, энергия қимматлашмаганида сут маҳсулотлари тез сотиларди. Биз эса бошқалардан қарздор бўлиб қолмасдик.

— Ем-хашакдан ҳам, ўзимиз етиштираётган сутни сотишдан ҳам қийналиб қолаяпмиз, — дейди Мўмин Жуманиёзов. — Бу борада биз ёрдамга муҳтожмиз. Биринчидан, мустаҳкам емхашак базасини яратиб олишимиз учун ер муаммоси ҳал қилиб берилиши лозим. Иккинчидан, сутни қайта ишлаб қадоқлайдиган кичик цех очишимизга, ҳажми 550-650 литрлик сут ташувчи транспорт билан таъминланишимизга мутасадди ташкилотларнинг ёрдам беришини сўраймиз. Сут оладиган корхоналар ўз вақтида пулини тўлаб боришса биз ҳам бошқалардан қарздор бўлиб қолмасдик.

Фермерларнинг гапида жон бор. Бу масалалар тегишли мутассадди ташкилотлар раҳбарлари томонидан ижобий ҳал қилинмас экан, хўжалик ва ташкилотларнинг бири-бирларидан қарздорлик халқасининг ечимини топиш амри маҳол.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Ниссан мотор»нинг муаммоси

ТОКИО. Японияда «Ниссан мотор» корпорацияси ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорда сотиш борасида қатор муаммоларга дуч келмоқда. Шу боис мазкур корпорация ўз акцияларининг назорат пакетини хорижий ҳамкорга сотишга тайёр эканини маълум қилди.

Корпорация президенти Иосикадзу Ханава матбуот анжуманида акциялар назорат пакетини кимга сотишини очиқ айтмади. Мутахассисларнинг тахминича, «Ниссан мотор» корпорацияси акцияларини Франциянинг «Рено» компанияси сотиб олиши эҳтимолдан холи эмас. Шунингдек, дунёнинг бошқа йирик автомобиль компаниялари ҳам «Ниссан мотор» акцияларига қизиқиш билдираётир.

Миш-мишларни рад этди

ПРАГА. Чехия Президенти Вацлав Гавел ўз лавозимидан истеъфо бериши мумкинлиги тўғрисидаги миш-мишларни рад этди. Маълумки, сўнгги икки йил давомида унинг соғлиғи бир қадар ёмонлашгани сабабли ана шундай гап-сўзлар кўпайиб кетган эди. Мен давлат бошлиғи вазифасини навбатдаги президент сайлови бўлиб ўттунга қадар, яъни 2003 йилгача бажараман, деди у журналистлар билан учрашувда.

В. Гавелнинг матбуот котиби Ладислав Шпачекнинг айтишича, Чехия Президентининг соғлиғи жуда яхши.



Хиросима. Атом портлашидан қолган «ёдгорлик»

Циклон тошқинга сабаб бўлди

СИДНЕЙ. Фиджи оролига ҳордиқ чиқариш учун келган юзлаб хорижлик сайёҳлар оролда рўй бераётган сув тошқинлари туфайли номаълум муддатга бу ерда қолиб кетишига тўғри келмоқда. Бир неча кунлаб ёққан ёмғир натижасида мамлакатдаги ягона аэропортнинг бошқа туманлар билан алоқаси узилиб қолган.

Полиция маҳкамасидагиларнинг маълум қилишича, айрим жойларда сув сатҳи 2-3 метргача кўтарилган. Шу боис маҳаллий аҳоли у жойлардан кўчирилмоқда.

Метеорологларнинг таъкидлашича, сув тошқини яна бир неча кун давом этади. Тошқинга «Дани» циклони олиб келган ёмғир сабаб бўлган. Циклон оқими ҳозир қўшни Вануату ороллари томон ҳаракатланмоқда.

Машҳурлар ҳаётидан

Наполеон таътилга чиққанми?

Тарихий шахслар ҳаёти ҳамиша ҳам бирмунча мураккаб вазиятда кечганлигини биламиз. Айниқса, тождорларнинг турмуш тарзи доим аниқ, режали бўлганлигини таъкидламай иложимиз йўқ. Лекин уларни ҳечам оддий инсоний хоҳиш-истаклар тарк этмаганда. Айтайлик, тахт ташвишларидан холи, тинчгина ҳордиқ чиқаришни исташган. Худди шундай хоҳиш Наполеондай саркарданинг ҳам орзуси бўлганди.

Мана, Бонапартнинг амалга ошмай қолган шундай орзулари.

Пруссияга ва инглиз қўшинларини тор-мор этгач, 2 соатдан сўнг Наполеон матбуот ходимлари билан учрашув ўтказади. Бу учрашувда император дилига тугган режалари ҳақида сўзларкан, шахсий ҳаётига алоқадор бир мақсади бу ерга йиғилганларни ҳайратда қолдираги. Чунки Наполеон энди сиёсий майдонни тарк этиб, таътилга чиқмоқчи эди.

Шу лаҳзадаёқ ҳаммани «Бундай узоқ муддатли дам олишни Наполеон қаерда ва қандай ўтказади?» — деган савол ўйлантириб қўйди.

Бунга жавобан Бонапарт қуйидагича ўз режалари билан таништиришда давом этди:

«Европанинг деярли барча нуқталарида дўстларим кўп, масалан, Италияда, Польшада ва ҳаттоки Россияда ҳам. Тўғри, Россияга қилган сўнгги сафаримда у ердаги об-ҳаво унчалик менга ёқмади, шунинг учун балки у ерга бормасман. Истардимки, унчалик катта бўлмаган оролда оддий кишилар сингари яшасам-да, ўз таржимаи ҳолимни ёзиш — мемуар асар яратиш устида ишласам...»

Бундай яхши ният Наполеоннинг юрагида жанговар ҳаётдан чарчагани учун туғиладими ёки бунинг замирида ҳам яна бошқа нарса яширинганмиди?

Бу эса ҳанузгача жумбоқ бўлиб қолган.

Фарида МАҲКАМОВА тайёрлади

Шахс ва дунё

Бизни кечирадими?

Дарвоқе, дунё бизни кечирадими? Разолат, қабиҳлик устидан ақл ғолиб келармикан?

Инсоният тарихида муҳим ўрин тутган, ҳам иқтисодда, ҳам сиёсатда оламшумул янгиликлар олиб келган, техника борасида буюк ўзгаришлар ясаган XX аср якун топаркан, мана шу икки муҳим саволни олдимизга кўндаланг қўймоқда.

Она сайёранинг жамики жафокаш, эрксевар инсонлари ўзларидан кейин ҳам ҳаётнинг тинч, осойишта давом этишини, авлодлари, ўғил-қизлари, невара-чеваралари хотиржам яшашларини, улар ҳам шу замин, шу дунё — шу табаррук уйларини кўз қорачиғидек асрашларини истайдилар. Аммо инсофни, диёнатни йўқотган, фақат ураурага берилиб, тирикликни пул билан ўлчайдиган, ҳатто Яратган эгасини тан олмайдиган иккинчи тоифа борки, улар учун бугунги фаҳш роҳат, қорин ғами ҳар нарсадан устун, ҳар нарсадан аъло! Айнан шу кимсаларнинг телба-тескари ҳаракатлари, билиб-билмай тутган сиёсатлари оқибатида инсоннинг табиатдан узоқлашишига, энг яхши ўтмиш анъаналарининг бузилишига сабаб бўлди. Энди ўйлаб кўринг-чи, бир кун келиб табиат ҳам инсондан ўч олмайди, деб ким кафолат бераолади?! Ёки бугун биз табиатга тош отаётган эканмиз, эртага ким билади у бизга нима отади?! Туриш-турмушимиз, кетишимиз шу бўлса эртага дунёнинг ўзи бизни кечирармикин?!

Газета ўқиймиз, радио эшитамиз, телевизор кўрамиз: азон туйнуги ҳақида бонг уришади, биз эса бепарво кўчалардаги хазонбарглари ёқамиз, бувимизнинг юзларидаги ажинлар бирқадар кўпаяди: «Ҳой болам, ёмон, бундай қилма!» Биз бўзарамиз: «Нимаси ёмон!» Бувимиз қийналадилар: «Ёмон-да, болам, ёмон!» Телевизор фарёд қилади: «Йилдан-йилга ичимлик суви муаммоси ортиб бормоқда!» Бизчи? Биз бепарво ҳолатда ариқ сувига чиқинди ағдарамиз. Ҳеч замонда шундай хунук ишга йўл қўйилганми? 26 минг йиллик кузатишларга асосланган Зардўшт нима деган эди? Энг қадимги таълимотни яна бир карра кўздан кечирайлик-а! Унинг таълимотига кўра, инсоннинг табиат билан алоқаси муқаддас ҳисобланади, сув, ҳаво, ер, оловга зарар етказиш жуда хавфлидир. Бу нарса руҳ ва танани жароҳатлайди, турли касалликларнинг кўпайишига олиб келади. Баъзан эшитиб қоламиз: тумовнинг янги тури пайдо бўлибди, фалон давлатда шундай бемаза касаллик чиқибдики, ёш-ёш йигитчалар уйқуга кетиб, оламдан ўтишмоқда. Ёки бугунги кунда турли аллергик касалликларнинг пайдо бўлиши ана шу ноўрин хатти-харакатларнинг салбий натижаси эмасми?!

80-йилларни яхши эслайман: ёз келди дегунча, маҳалламиздаги ҳар бир оиланинг ташвиши кўпаярди, айниқса, чақалоқлари бор хонадонлар юрак ҳовучлаб яшашарди. Бир йил ёзда маҳалламиздан бир кунда тўққиз чақалоқ нобуд бўлди. Йиғи-сиғи кўпайди. Ёш-ёш ота-оналарнинг бағри куйиб қолди. Ниманинг оқибатида бу нарса содир бўлганди?! Албатта, буни ҳаммамиз яхши биламиз. Бугун яна қоринни, пулни ўйлаймиз-у, ўша машъум фожиаларни эсламаймиз. Ваҳоланки, ўшанда ҳатто биз болаларнинг устидан ҳам бошинг-кўзинг демай заҳарли дори сепиб ўтишарди, гапнинг очиғи ва аччиғи, битта ўзбекнинг камайгани фойда дейишарди. «Гап келганда отангни аяма», дейдилар. Бугун ўрни келганда шу аччиқ ҳақиқатни яна бир карра нечун эслатмаслигимиз керак. Ниҳоят, Улуғ кунимиз — 1991 йил сентябрдан кейингина бу телбаликларга чек қўйилиб миллатнинг соғлиғи ҳақида ҳаққоний ҳаракатлар бошлангани айни ҳақиқат эмасми?!

Яна бир гап.

Кечаги бир ёқламаликка ўрганганлар учун бугунги ранг-баранглик муҳитининг ҳийла оғирлик қилаётгани ҳам бор ҳақиқат. Айниқса, биз жуда ишонувчан халқмиз: китобда нима ёзилса, уни қонун, айни ҳақиқат деб биладиганлар, унга, ундаги барча фикрларга ишонадиганлар йўқ деб ўйлайсизми?! Ваҳоланки, ўша китобни ҳам инсон ёзган, унинг қарашларида нотўғри фикрлар ҳам бўлиши мумкин, деб ўйловчилар камми, озми?! Давр, замон тириклик майдонида ранг-баранг фикрларни, ранг-баранг китобларни ёйиб ташламоқда. Мақсад: ҳар ким фикрлайдиган, ўйлаб иш тутадиган бўлсин, демоқда. Жамиятда тушунадиганлар, фикрлай оладиганлар қанча кўп бўлса, шунча яхши эканлигини ҳаммамиз теран идрок этамиз. Лекин бугун Нострадамусни ўқиган баъзи бир кимсалар таҳликага тушадилар. Ваҳоланки, ўша зотнинг ўзи очиқ-ойдин айтиб қўйибди: инсоният кутилаётган кўргуликларни, фожиаларни даф этишга қодир, фақат бунинг учун у ақл билан, адолат билан иш тутмоғи лозим. Биз эса унинг айрим фикрларига зулукдай ёпишиб оламизда, кишиларнинг юрагига ваҳима соламиз. Бошқа бир ёмон, номақбул томони, мана шундай миш-мишлардан ўринли фойдаланиб, сохта обрў-ю, жарақ-жарақ пул ишлайдиганлар ҳам йўқ эмас. Масаланинг шу томонини ҳам назардан қочирмаган маъқул деб ўйлаймиз. Чунки ишонувчанлик, ўта фикрсизлик пайдо бўлган жамиятда тириклик инқироз йўлидан кетади: юлғичлик, муттаҳамлик ортади, одамлар назарида ҳаёт карвони ўз йўлидан кетаётган кўринса-да, аммо вақти-соати етиб бунинг сароб эканлиги маълум бўлади ва ўз-ўзидан кишилар орасида норозилик кучайиб боради. Агар ўз пайтида бошланган бу дарднинг олди олинмас экан, инсон ўзини ҳам, табиатни ҳам бундай ёт унсурлардан халос этмас экан, у бора-бора ёвузликнинг қулига — тадрижий бузилишнинг энг хунук кўринишига дучор бўлади. Ёвузлик шундай кучки, у қалб даштида бемаза қовуннинг уруғидай ҳовуч-ҳовуч сепиб қўйилган. Унга озгина нур кифоя: заъфарон ўтдек бирпасда чор-атрофни чирмаб-ўраб олишга қодир. Шунинг учун ҳам дунё яралибдики, инсон Ёвузлик билан бир дақиқа бўлсин курашни сусайтирмайди. Ана шундай қаттиқ кураш билан Яхшилик офтоби томон интилади. Ва адолатли, чинакам курашлар орқали, аниқроғи яхшиларнинг шарофати билан эзгулик ғолиб келади.

Ўрни келганда, бугунги кунимизга назар солиб, бир мушоҳада юритайлик: хўш, бугун одамларнинг маънавий дунёси камбағаллашиб, техник тараққиёт баланд келса-чи?! Ва яна бунга беэътибор қарай оламизми?! Узоқ йиллар биз эътиборсизлик майдонларида яшадик, ҳаётдан маъни ахтариш ўрнига аллақандай режаларнинг қули бўлиб яшадик, тўғриғоғи, режаларга қул бўлиб яшашимиз кимлардадир керак, зарур эди. У ёт салтанат бизни қўғирчоқдек ўйнатиб, масхара қилиб, ўзибўларчилик, эътиборсизлик ботқоғи томон отди.

Жалолиддин Румий ёзганди: «Замонамиз олимлари қилни қирқ ёрадилар, ... аммо энг муҳими, ўзларига ҳаммадан кўра яқинроқ бўлган нарсани, яъни ўзларини билмайдилар».

Грек олими Фалес ҳам: «Кимлигингни ўзинг яхши билиб ол», ва «Ҳеч нарса ҳаддан зиёда бўлмаслиги керак» деган икки ҳикматни айтган эди.

Шу ўйлар гирдобига ғарқ бўлганча ўйлайсан киши: ҳамон ўзлигини билмай юрганларни, ҳар нағмаларга ҳаддан зиёд ружу қўйганларни дунё кечирармикин?!

Темурбекнинг буюклиги нимада? деб сўраганларида, ҳеч иккиланмай: «У меъёрни биларди», деган жавобдан зўри йўқ. Ҳа, у тириклиқнинг маънисини-ю, ўзлигини унутмай яшади. Бир кун бу ёруғ оламдан дорулбақога кетишини, ортидан албатта турли сўзлар бўлишини англаб яшади: «... боболаларга озор бермангиз, бу — гуноҳи азим эрур», «Китоб — ҳаётни ўргатувчи мураббийдир». Бир кун келади-ки, золим ўз бармоғини тишлайди ва энг муҳими, нима деди? «Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир» дея баралла хитоб қилди. Бу хитоб бугун ҳам, эрта ҳам, индин ҳам ўз кучини йўқотмайди, мангу ва абадий жаранглаб туради.

Улуғ китоб «Қуръон»да «Биз инсонни лойнинг мағзидан яратдик» дейилади. Эътибор беринг-а: мағзидан! Биз эса тўғридан-тўғри «тупроқдан» деб ёзамиз. Яна унда биз инсонларни қабила, уруғ, миллатларга ажратиб қўйдик, миллатингизни сақлаб яшанглар, ўзга миллатлар билан тотув аҳил бўлинг, деган маънодаги сўзлар бор.

«Буюк Темурбек ҳам беҳудага насиҳат қилмаганди, у ана шу улуғ каломларни назарда тутгани ҳақиқатдан бошқа нарса эмас. Энди айтингчи биз ўтмишдаги ҳақ билан ноҳақни ажратмасак, ҳаётга эътибор бермасак, миллатни англамай яшасак, бу кўҳна дунё, бу она замин бизни кечирармикин?!

Хўш, нега заминга касаллик берилади ва уни тозатиш инсон зиммасига юкланади?

Замин ҳам одамга ўхшайди. Инсон ва табиат орасида уйғунлик мавжуд. Астрожўғрофийшуносларнинг аниқлашларича, Ҳиндистон ва Ўрта Осиё — Заминнинг юраги, Буюк Британия, Ғарбий Овруполо (Ғарбда), Япония (Шарқда), Узоқ Шарқ — чап ва ўнг ўпка, Индонезия — қўллари, Африка оёқлар вазифасини ўтайди.

Немис файласуфлари шарқ фалсафасидан келиб чиқиб ҳар бир одамда коинотнинг олий қонуни — тадрижий ривожланиш қонуни борлигини ғарбликларга тушунтирган эди. Юқорида айтганимиздек, Шарқ учун, биз учун бу янгилик эмас, милоддан олдинги VI асрдаёқ «Овесто»да тадрижий ривожланишнинг моҳияти аниқ ва лўнда айтиб ўтилган.

Зардўшт таълимоти аввало разолатни, бесўнчиликни, ҳарбий тўқнашувларни қоралаб, тинч, осойишта ҳаёт кечиришга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади. Моддий ҳаётни фаравон этишни, бу йўлдаги саъй-ҳаракатларни ёвузликка қарши кураш ҳисоблаб, турли хайрли ишларни, одобли, ахлоқли бўлишни ҳар қандай ақидалардан устун қўяди. Яхшилик ва ёмонлик — икки ўртадаги узоқ курашлардан сўнг адолат қарор топади ва ўшандагина одамлар абадий бахтиёрликда яшай бошлайдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, инсоният учун Буюк ўтиш даври тугамоқда. Янги минг йиллик инсоният олдига янги муаммоларни қўйиши шак-шубҳасиз. Лекин нима бўлганда ҳам янги минг йилликнинг қандай бўлиши биз қўйган пойдеворга боғлиқ. Башоратчилар янги даврда тадрижий ривожланишнинг номаълум қирралари аниқланади, дейишмоқда. Бунга аввало техникавий инқилоб сабаб бўлади, демоқдалар. Ниҳоят, яна шуни қатъий таъкидламоқдаларки, инсоният илк манбага қайтмоғи зарур. Чунки олам тарихи ғилдираги спирал бўйича ҳаракат қилар экан, инсоннинг ҳаракати ҳам ўшанга мос бўлиши лозимдир. Бунга қандай эришмоқ мумкин? — деган саволга инсоният ўз йўлини ўзгартиришга қодир эканлигини таъкидламоқдалар.

Ўтган йили бир вилоятда ижодий сафарда бўлдик.

Хонадонларнинг бирида зиёлилар, раҳбарлар, ёшлар йиғилишди. Суҳбатимиз Ватан, юрт, уни асраб-авайлаш ҳақида борди. Шу суҳбатдан сўнг икки ой ўтиб, ўша ерда бўлганларнинг бири билан пойтахтда учрашиб қолдик. «— Ўша ажойиб суҳбат мени тамом ўзгартириб юборди, — деди у жилмайиб. — Илгари яшаш деганларида емоқ-ичмоқни, фақат ўзимни ўйлар эканман».

Бу гаплардан ажабланишнинг зарурати йўқ, эски замон кимларни муте қилмади, кимларнинг бошини айлантирмади?! Лекин мен бир нарсадан хурсандман: одамларнинг тафаккури ўзгаряпти, ён-атрофдаги воқеаларга Ватан, юрт нуқтаи назаридан баҳо беришга, миллатнинг эртасини ўйлаб иш тутишга ўрганяптилар. Булар яхши, ажойиб фазилатларнинг кўриниши эмасми?!

Ўнинчи синфда ўқийдиган бир ўсмир билан гаплашдим. Суҳбатимиз ўтмиш ҳақида борди. «— ота-боболар йўл қўйган хатоларни такрорламаслик керак, — деди у. — Бизга яна қайтадан бахт берилди, аниқроғи имкон берилди: энди тангримиз бир неча ўн йиллар давомида бизни синовдан ўтказади, агар адолат йўлини тутиб, бирлашиб, биргалашиб, миллатимиз нуфузини сақлаган ҳолда ўзга миллатлар ҳурматини жойига қўйиб, эътиборли халқ бўлиб ана шу синовлардан ўтсак, дунё тургунча яшаймиз».

Ўсмир дўстимизнинг фикрлари юрагимга ёруғлик солди. Мамлакатимизнинг эртанги, бўлажак соҳиблари шундай фикр юритяптими, бундан нечун суюнмайлик, нечун хурсанд бўлмайлик.

Қўшни давлатда яшовчи яқин қадрдонларимиздан бири: «Сизнинг раҳбар ва раҳбарларингизга, юртингиздаги тинчликка, меҳнаткаш, бағри кенг одамларингизга ҳавасим келади», деганида яна бир карра ғурурланасан киши. Қуръони каримда қайси шаҳарда бузуқлик, алдамчилик, фаҳшлик кўпайса, биз у ерга офат юборамиз, дейилади. Балки мамлакатимизда идк кунларданоқ тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилингани, ички низоларни бартараф этишда ўзибўларчиликка йўл қўйилмагани Яратганга ҳам, бандасига ҳам хуш келиб, бизга мана шундай кунларни ато этгандир.

Маълумки, 2003 йилда балиқ даври тугаб, Қовға даври бошланади. Буни ҳамма яхши билади. Биласиз, Балиқ даври милоддан аввалги 157 йилда бошланган эди. Бу даврда, юқорида қайд этилганидек, инсоният маданияти юксак чўққига кўтарилди, шу билан бирга одамлар ўзлари учун таъқиқланган нарсаларга ҳам зўр бера бошладилар. Буни келажак учун ниҳоятда хавфли ҳисоблайдилар. Балки авлодлар бу йўсинда тўғри йўл тутишиб, мазкур хатони тузатсалар ажаб эмас. Чунки Қовға учун руҳий интилиш биринчи, моддий манфаатдорлик иккинчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам башоратчилар Қовғани Буюк идрок этиш даври бўлади, деб ҳисоблямоқдалар. Аксарият одамларда руҳий ҳис этиш, воқеа-ҳодисаларни олдиндан идрок этиш, башорат қилиш юксак даражада бўлишини таъкидламоқдалар. Лекин бу даврда ҳам энг катта муаммо — инсоният ўзини қандай, қай шароитда ва нима билан қутқариб қолади? Ўзи ўйлаб топган қирғин қуролларини бартараф қилишга, техника тараққиёти билан ақлидрок даражасини баравар олиб боришга кучи етадими - йўқми?! Мана шу ўйлар ҳаммани, жамики олижаноб инсонларни ўйга толдиради, фикрлашга, мушоҳада этишга чорлайди. Зеро, эртанги кун масъулияти зиммамизда экан, ота-боболар она-Сайёрани авайлаб-асраб бизга етказишган экан, биз ҳам тавқи-лаънатларга қолмасдан бугунданоқ хато-камчиликларни тузатишга ҳаракат қилмоғимиз, шарафли, олижаноб вазифамизни уддалашимиз керак эмасми?! Ана шундагина дунё бизни кечириши, XX аср кишиларининг номлари боботарих саҳифаларининг яхшилик бобларида абадий қолажак.

Янги асрда ҳаммамизга фақат яхшиликлар ёр бўлсин, азизлар!

Тўлқин ҲАЙИТ, журналист

Хўжасизликдан қутулиш учун

БИШКЕК. Қирғизистонда фойдаланилган газ учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик ва газдан фойдаланишдаги хўжасизлик шароити ҳукм сураётир. Газ сарфини ҳисоб-китоб қилиб бориш учун мамлакатга кўплаб миқдорда газ ўлчагичлар зарур. Лекин давлатнинг молиявий аҳволи ҳозирча бунга имкон бермайди. Шу боис Япония ҳукумати газ ўлчагичлар сотиб олиш учун Қирғизистонга 1,6 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам пули ажратди.

Энди дам олиш куни қилиб белгиланди

АШГАБАТ. Туркманистонда бу йил Рамазон ҳайити илк даъфа дам олиш куни сифатида байрам қилинди.

Рамазон ҳайити ўтган йили Президент С. Ниёзовнинг Фармонига асосан умумхалқ байрами, деб эълон қилинган, бироқ дам олиш куни деб белгиланмаган эди. Бу йил эса Ийд ал-Фитр мамлакат оқсоқолларининг илтимосига биноан дам олиш куни, деб эълон қилинди. Шунингдек, Қурбон ҳайити ҳам дам олиш куни деб белгиланди.

Қимматли қоғозлар савдоси камайган

ОСТОНА. Қозоғистон Республикаси Давлат мулки ва хусусийлаштириш департаменти директори Ў. Ержанов мамлакат фонд бозорида таназзул ҳукм сураётгани ҳақида баёнот берди. Расмий маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг учинчи чорагида қимматли қоғозлар савдоси йилнинг биринчи чорагига нисбатан салкам тенг баробар — 47,2 фоиз камайиб кетган. Ҳукумат қимматли қоғозлар савдосини жонлантириш учун яна юзга яқин йирик корхоналарнинг акцияларини сотувга чиқариш ниятида. Шунингдек, «ДЭУ» компанияси сармоя сарфлаш бўйича мўлжалланган режаларининг бажарилмай қолгани учун "Казахтелеком" акционерлик жамиятининг ўзига тегишли акцияларини ҳам сотишга қарор қилган. Ҳукумат томонидан эълон қилинган очиқ тендер савдоларида қатнашиш учун ҳозирча ўттизга яқин фирма ва компания хоҳиш билдирган.

Лотин Америкаси. Йўқсизликка гриптор норасидалар

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларни 1999 йил 2 февраль куни соат11.00 да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги

КИЛМОЙИЙ

савдосига таклиф этади

Савдога қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳри Беруний кўчасида жойлашган контейнер типидаги 33 сонли АЁҚШ.

Ер майдони 0,02 га. Унинг ҳудуди ободонлаштирилган, асфальт ётқизилган.

АЁҚШ ҳудудида 10,7 м³ ҳажмли металл контейнер, 1 дона ёнилғи қуйиш колонкаси, тарқатиш мосламаси ва операторлик хонаси мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 2 млн. 222,1 минг сўм.

2. Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Ўртачўл массивида жойлашган контейнер типидаги 4 сонли АЁҚШ.

Унинг майдони ўралган, ободонлаштирилган, асфальт ётқизилган, майдони 0,8 га.

Унда 10,7 м³ ли 1 та махсус металл идиш, 1 та Нара типидаги ёнилғи тарқатиш колонкаси ва тарқатиш мосламаси мавжуд.

Бошланғич баҳоси — 1 млн. 530 минг сўм.

Мазкур автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаларига қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 8-уй, Ўзбекистон Биржалар маркази биноси, 3-қават 28-ва 29-хоналар.
Телефонлар: 136-15-28, 136-28-75.
Ички: 153, 154, 162.
Факс: 136-26-26.

Туркистон — умумий уйимиз

Улуғ диёр — она юрт

«Тангри қўли билан яратилганлар барқарор, инсон сабабли яралган нарсалар беқарордир» деган сўз бор. Дунёдаги салтанатлар, империяларнинг чўкиб, йўқ бўлиб кетгани бунинг далилидир. Бу ҳақда ҳали кенг, исботловчи илмий тушунчалар тарқатилмагани учун дадил товуш чиқара олмаймиз. Туркистон ва унинг тарихини, маданиятини ўрганишимиз юрагимизга, онгимизга куч беради, овозимиз баралла чиқа бошлайди. Сохта тарих яратганлар дунёда кўп турмайди, қурган давлати чириб, чўкиб, йиқилади. Шафқатсиз дунё бунга кўп шоҳид бўлган. Бизнинг эса сохта тарих яратишга эҳтиёжимиз йўқ. Чунки ота-боболаримиз дунёда энг кўп давлатлар қуриб, илм-фан, маданиятни яратган кишилардир, яъни тарихни яшаган миллатдир. Туркистоннинг ўн бир минг йиллик яхлит бир маданият тарихи борлиги, бу ҳақда асримиз бошида шарқ ғарбдагина эмас, ҳатто Америкада илмий китоблар чиққани маълум. Буни Туркистонга «ўз миллий давлатини қуриш имконини» ваъда қилган ёлғончи советлар ҳам яхши тушунишган. 1924 йилда Туркистон парчалангунгача миллий Туркистон ва турклик ғоясини ташиган қиркдан ортиқ хусусий газета ва йигирматача журнал чиқарилгани, уларда миллий давлатни йўқотмасликка, миллатни — туркистонлик туркларни ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашга чақирилгани ҳам аён. Беҳбудийлар, Фитратлар, Чўлпонлар, Элбеклар айнан шу ғоя — миллий Туркистон ва туркчилик учун таъқиб этилгачаси ясоқ қилингани, унинг ўрнига ёлғон ва бизга зарарли билимлар тарқатилгани, миямизга қуйилгани учун биз бугунда бир оз тараддудда турибмиз. «Дунё маданиятининг бешиги Туркистон», деймиз-у, бу ҳақда ҳали кенг, исботловчи илмий тушунчалар тарқатилмагани учун дадил товуш чиқара олмаймиз. Туркистон ва унинг тарихини, маданиятини ўрганишимиз юрагимизга, онгимизга куч беради, овозимиз баралла чиқа бошлайди. Сохта тарих яратганлар дунёда кўп турмайди, қурган давлати чириб, чўкиб, йиқилади. Шафқатсиз дунё бунга кўп шоҳид бўлган. Бизнинг эса сохта тарих яратишга эҳтиёжимиз йўқ. Чунки ота-боболаримиз дунёда энг кўп давлатлар қуриб, илм-фан, маданиятни яратган кишилардир, яъни тарихни яшаган миллатдир. Туркистоннинг ўн бир минг йиллик яхлит бир маданият тарихи борлиги, бу ҳақда асримиз бошида шарқ ғарбдагина эмас, ҳатто Америкада илмий китоблар чиққани маълум. Буни Туркистонга «ўз миллий давлатини қуриш имконини» ваъда қилган ёлғончи советлар ҳам яхши тушунишган. 1924 йилда Туркистон парчалангунгача миллий Туркистон ва турклик ғоясини ташиган қиркдан ортиқ хусусий газета ва йигирматача журнал чиқарилгани, уларда миллий давлатни йўқотмасликка, миллатни — туркистонлик туркларни ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашга чақирилгани ҳам аён. Беҳбудийлар, Фитратлар, Чўлпонлар, Элбеклар айнан шу ғоя — миллий Туркистон ва туркчилик учун таъқиб этилгани ва охири ўлимга маҳкум қилингани ҳам маълум. Йигирманчи йиллларнинг зиёлилари, миллий курашчилари «Ватанимиз Туркистон, она тилимиз туркча» шиори билан яшадилар. Шуни шараф туйиб таъкидлашни истардимки, бизнинг асримизда туркчани давлат тили деб эълон этилган илк юрт бизнинг Туркистондир. Зотан, Русияда рус тили, Ҳиндистонда ҳинд тили, Италияда италян тили давлат тили бўлиши шартлиги каби Туркистонда туркчанинг давлат тили бўлиши ҳам табиийдир. Бу Тошкентда 1917 йилда, Туркистон шўроларининг 4-қурултойида расман қабул қилинган. Озарбойжонда эса 1918 йил майда, Ганжада, миллий Озарбойжон жумҳурияти қурилганда, 1923 йилда эса Туркияда, олти юз йиллик Усмонли империяси чўкиб, ўрнида янги Туркия жумҳурияти қурилганда туркча давлат тили деб эълон қилинди (унгача Усмонли салтанатида усмонли туркчаси давлат тили эди-Т.Қ.). Демак, бу жиҳатдан олганда ҳам бугунда бизнинг зиммамизга шарафли бир вазифа юкланмоқда — яъни ўн бир минг йилдирки, маданият тили бўлган Туркистон туркчасини, унинг энг ривожланган лаҳжаси ўзбекчани янада бойитиш, ёт ва сохта сўзлардан асраш. Шу ўринда бу муаммоли масалага тегиб ўтиш керак: баъзи олимларимиз сўхбатларимизда «туркиялик олимлар ўзиникини турк тили деб, ўзбекча, қозоқча ва бошқа тилларни эса лаҳжа деб атамоқда, бу тўғримас», дейишади. Бундай тарзда айтилиши, менимча ҳам, тўғримас. Чунки турк тили — битта, асримиз бошигача усмонлича ҳам, туркманча ҳам, озарча ҳам, татарча ҳам, ўзбекча ва уйғурча ҳам бир турк тилининг лаҳжалари саналган. Бироқ қайси лаҳжа кўпроқ туркча? Қайси лаҳжаларда адабиёт, маданият кўпроқ яратилган? Бу саволларга энди бутун қариндошлар, яъни турк дунёсида яшаётган замондош олимларимиз жавоб берадилар, албатта. Бу — тортишадиган, бизни айирадиган эмас, балки бирлаштирадиган, ўрганиладиган, бир-биримизни танишимизда ёрдам берадиган нуқтадир. Агар турк дунёси адабиётининг илк намуналаридан бири Алп Эр Ўнга ҳақидаги достондан қолган шеърий парчалар бўлса, уни Маҳмуд Қашғарий қаламга олгунгача ҳам бир ярим минг йил олдин туркистонликлар айтиб келишган, зотан бу қаҳрамон давлат арбоби эски Самарқанднинг қурувчиси, бизга энг яқин оталардандир. Бу икки ярим минг йил олдин боболаримиз томонидан битилган марсияда бугунги тилимизда қўлланаётган сўзлар кўплиги ҳам бизга шарафдир, чунки Туркистон шеъри, ўзбек шеърини ана шу «ўлим битиги» (марсия)дан бошланган, дейишимиз мумкин. (Мен бу ҳақда Америкада чиқадиган «Дунё адабиёти» журнали сўровига кўра бир мақола ёзиб, унда кенгроқ тўхталганман. 1996 йилда ёзилган мақола бир йилдан сўнг босилиб чиқди). Бунга ўхшаш яна бир шарафли далил шуки, Аҳмад Яссавий бугунги турк дунёсининг энг буюк шоири деб тан олинмоқда, асарлари, у билан боғлиқ китоблар Урумчида, Қозонда, Тошкентда, Бокуда, Истанбулда босилмоқда. Яссавий асарларини бугунда таржимасиз ўқиётган бизмиз — бу муҳим нуқтадир, туркчанинг бошқа лаҳжаларига — қозоқчага ҳам, уйғурчага ҳам, озарчага ҳам, Туркия туркчасига ҳам «Девони ҳикмат» таржима қилинган ва қилинмоқда. Яссавий мақбарасини қурган самарқандлик Темурбекдир, Яссавий шеърларини бузмасдан сақлаб келган туркистонлик турклар бизлармиз. Мен мақтанишга ўхшаб кетадиган бу сўзларни нега айтаяпман? Мақтаниш учун эмас, балки Яссавий бутун турк дунёсини бирлаштирувчи бир нуқта бўлгани учун, унга боғлиқ ўлароқ бошқа қардош жумҳуриятлар бир қанча ишлар қилгани ҳолда биз, асосий меросчи бўлишга ҳақли ўзбеклар, бир оз тараддудда қолганимиз учун таъкидладим. Яссавий номидаги университет ва институтлар, фондлар, жамиятлар бошқа ўлкаларда борлиги бизни севинтиради, албатта, аммо ўзимизда ҳам бўлса қанийди, деган орзу менга бу сўзларни айтдирди. Зотан, Яссавийнинг авлодларидан бўлган Беҳбудий ва Ибрат ҳам миллий Туркистон учун курашиб яшашди, ёвлар шу учун уларни ўлдиришди. Зотан, советларни етмиш йил бошини қотирган «муаммо» ана шу миллий Туркистон тушунчаси ва бу учун курашаётган кишилар эди. Шунинг учун «босмачилик» деган миллий қутулиш ҳаракати юз берди, шунинг учун 30-йилларда олти миллион туркистонлик сунъий очликка гирифтор қилиб ўлдирилганди, шунинг учун 39-йилгача бутун миллатчи зиёлилар, раҳбарлар сургунга ва ўлимга маҳкум этилганди. Туркистон ва туркистонликлар эркин яшасин дея ўттизинчи йилларгача қаҳрамон ва қўрқмас оталаримиз рус ва чин зулмига, империянинг қоничар қонунларига қарши беш мингтача исён чиқазди. Шунинг учун бугунгача бутун дунёда «Туркистон» жамиятлари ишлаб турибди. Шунинг учун ҳам йигирманчи йиллардан бошлаб йигирма йил ичида ўлдирилган Туркистон миллий, қаҳрамон-шаҳид шоирларининг товушлари ҳамон элсевар юракларда, руҳларда жаранглаб турибди; улар босқинчилар қўлида асир бўлган, парчаланган Туркистонга — Туроннинг қоқ юраги, бешиги бўлган Ўрта Туркистонга қараб шундай хитоб этишган:

«Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!.. Нечук кунларга қолдинг? Эй Чингизларнинг, Темурларнинг, Ўғузларнинг, Оттилаларнинг шонли бешиклари! Қани у чиқдигинг юксак ўрунлар? Қуллик чуқурларига недан тушдунг?.. Эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма, эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг — ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдур... фақат тарқалмишдур!..»

«Эй туркликнинг муқаддас ўчоғи! Ўлим сенинг ўлимингни истаганларга! Нафрат сени кўмгани келганларга!..» Бу — Туркистоннинг XX асрдаги миллий доҳийси Абдурауф Фитратнинг 1917 йилда газетада эълон қилган наъраларидир. Шу йил бу наърага яна улуғ бир миллий шоиримиз Чўлпон шундай жўр бўлди:

«Улуғ Туркистон, сенга не бўлди?
Сабабу вақтсиз гулларинг сўлди,
Ажал келмасдан нега сен ўлдинг,
Салқин қабрга нечун кўмулдинг?»

Бу саволга Туркистон бобо шеърда шундай жавоб беради: мен вақтинча йиқилдим, ўлганим йўқ, тарқалган болалар бирлашсангиз, мен учун ишласангиз, курашсангиз, яна ўрнимдан тураман...

Шундан саккиз йил ўтиб, шоир Элбек ҳам «Туркистон» шеърида Туркистонни қариган бобо сиймосида кўради, «Кекса, буюк Туркистон Ўлар чоғи олдидан Болаларнинг барчасин Ўз ёнига чақирғон» дейди ва Туркистон болаларига

Деган: «Жондан ортиғим,
Менинг барча ўғлоним,
Қулоқ солинг ўзбегим,
Қозоқ, қирғиз, туркменим!
Мен ўламан, ўлишим
Ўзимга-да билингон...»

Вақтнинг яшин тезлигида ўтишини қаранг. Биринчи ўзбек сайёҳи Мурод Қосимов яқиндагина велосипедда дунё бўйлаб 3 йиллик сафарга отланган эди. Ҳаш-паш дегунча шунга ҳам 5 ой бўлиб қолибди.

Матонатли жаҳонгашта ҳақида матбуотда, радио ва телевидениеда мунтазам материаллар бериб борилмоқда. Республикамиз қалам аҳли, жумладан камина ҳам ушбу сафарни баҳоли-қудрат ёритиб бораяпти. Бу — иродали сайёҳга бўлган эътибор ва эътироф ифодаси, албатта.

Лекин, назаримда, ёзганларимизда қандайдир кемтиклик бордай, нимадир етишмаётгандай, асосий гаплардан бири айтилмай қолиб кетаётгандай эди.

Мурод Қосимовнинг яқинда Саудия Арабистонидан сим қоқиб, айтган бир гапи сабаб, ҳалиги саволга жавоб топилгандай, Туркистон муфтийси, Туркистонда миллий ғоянинг илк йўлбошчиси, «Турон даҳоси» — Беҳбудийнинг руҳига хитобан Садриддин Айний ҳам шундай дея Туркистонни куйлайди:

«Сени мундан буён Турон кўролурми, кўролмасму?

Сенинг ғоянгни Туркистон тополурми, тополмасми?»

Айнийнинг 1920 йилда — Туркистон миллий давлати советлар томонидан фитнакорларча бузилган, Бошкент Қўқон қонга ботирилган пайтларда қўйган бу саволига туркистонликлар йигирма йилча жавоб ахтариб, «босмачилар» ўлароқ курашдилар, қалам билан тинимсиз изландилар. Кейинги етмиш йил мобайнида бу саволнинг товуши жуда узоқ-узоқлардан элас-элас келиб турди. Ниҳоят,советларнинг чўкиши бу саволнинг яна элас-элас янграй бошлашига, юракларга кириб боришига, бугун бугунги ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлару уйғурлар ўртасида Туркистонни эслаш, у ҳақда ўйлаш ва сўйлашга йўл очди. Айниқса, мустақилликдан кейин эски Туркистон тупроқларида вужудга келган ҳур давлатлар ичида биринчи бўлиб бизнинг Ўзбекистонда «Туркистон — умумий уйимиз» шиорининг жаранглаши, хусусан бу шиорни республика Президенти томонидан айтилгани кўп улуғ тарихий ҳодиса бўлди. Бироқ, менимча, керакли билимнинг етишмаслиги боис ҳозиргача бу шиорга талабдагидай ёндоша олмаяпмиз.

Бу масалага фақат чуқур билим билан ёндошсаккина, ўзимиз учун фойдали иш қила оламиз. Буни ўз замонида Фитрат ҳам таъкидлаган, яъни, Туркистонни бу қулликдан, таназзулдан билим қутқариши мумкинлигини айтиб, «Биз эрурмиз маърифат арслонлари, илм эрлари, Тўпланайлик Туркэлига тўғри йўллар очғали!.. Ёритайлик маърифат нури-ла Туркистонларни!» дейди. Ўтган асрда, руслар Туркистонга кириб келган илк йиллардаёқ асир бўлган туркистонликлар тақдирини ўйлаган Фурқат қутулишнинг бирдан-бир йўли илм эканлигини, замонавий рус фанини ўрганиш (яъни душман билган билимларни билиш, тажрибасини ўрганиш) эканлигини ёзганини эсласак, улуғ одамларимизнинг тушунчасини яна яққолроқ англаймиз.

Шу ўринда Туркистон тарихини, маданиятини, адабиётини, санъатини, фанини, туркистонликларнинг яшаш тарзини ажратмай, (босқинчилар бўлиб ташлагани каби парчаламасдан) бир бутун ҳолида ўрганувчи, ўз халқларимизга, дунёга танитувчи «Туркистон» халқаро университети ва илмий маркази Ўзбекистонда очилса, Маъмун академияси тиклангани, Темурнинг 660 йиллиги ўтказилгани, Жалолиддиннинг 800 йиллиги нишонланиши каби улуғ бир миллий тадбирга қўл урилган бўларди. Зотан, бугунда Қозоғистонда ва Қирғизистонда иккита халқаро университет ишлаб турибди. Бутун турк дунёсининг ва Туркистоннинг ўчоғи бўлган Ўзбекистонда бу тадбирнинг амалга ошиши кутилгандаги иш, «Туркистон — умумий уйимиз» шиорига амалий жавоблардан бири бўлар эди, менимча.

Туркистонни Ўғузхон, Алп Эртўнга, Оттила, Сотуқ Буғрахон, Чингизхон, Жалолиддин Хоразмшоҳ, Темурбек, Бобурларнинг дунё давлатлари — империялари қурилган чоғларда ҳам, кейинчалик хонликларга, майда давлатларга бўлиниб яшалган даврларда ҳам бутун турктилли улус «Она Туркистон» деган. Маълумки, онага ундан ҳеч не истамасдан хизмат қилинади. Она — ўғилларни бирлаштирувчи қутлуғ куч. Буни йигирманчи йиллардаги Туркистон миллий шоирлари ва зиёлилари, улардан минг йиллар олдин яшаб ўтган барча улуғ кишиларимиз ҳам яхши билишган. Қозоқларнинг асримиздаги энг буюк миллий шоири Мағжан Жумабой «Туркистон» шеърида дейди: «Туркистондир икки дунё эшиги, Туркистондир ҳар бир туркнинг бешиги!» Ёки ижодининг асосий даврида туркистончи ва туркчи шоир бўлган Ҳамза 1915 йилда она Туркистонга боқиб, шундай қайғурганди:

Яхши ҳолин йўқотган
оқибатсиз Туркистон,
Истиқболин ушотган
офиятсиз Туркистон,
Ўз жисмига ўқ отган
ҳамиятсиз Туркистон,
Зиллат лойига ботган,
эй ғайратсиз Туркистон!

Ҳамза яна 1918 йилнинг илк ойида ёзган «Туркистон мухториятина» шеърида миллий давлатимизни қутлаб: «Қутлуғ бўлсин Туркистон мухторияти! Яшасун энди бирлашуб ислом миллати!» дейди.

Туркистонни турк дунёси шеъриятининг отаси Аҳмад Яссавий «Девони ҳикмат»ида кўп зикр этади, туркчанинг гўзаллигини куйлайди. «Девон»да учрайдиган Туркистон атамаси икки англамни — Ясси шаҳрининг кейинги оти Туркистон ва умуман она-Ватанимиз Туркистон маъносини билдиради. «Ўн еттимда Туркистонда турдим мано», «Туғган ерим ул муборак Туркистондин Бағирга тошни уруб келдим мано» дейилганда бир шаҳар, «Отим Аҳмад, Туркистондир элим манинг» ва «Юртим турк, элим турк, тилим туркдир, Тилим кўп тиллардан кўруклукдир», дейилганда эса она-Ватанимиз Туркистон кўзда тутилган. Ундан кейинроқ, 1400 йиллар бошида ватандошимиз Ҳайдар Хоразмий ҳам:

Турк зуҳуридур ажунда бу кун,
Бошла улуғ ир била туркона ун!
Турк сурудини тузук бирла туз,
Яхши аёлғу била кўкла қўбуз!

дея Туркистон туркларига хитоб этиб, бу асрнинг турк асри эканини таъкидлайди. Ҳақиқатан, Темурбек қурган дунё салтанати инсониятга жуда катта маданий бойлик қолдиргани XV асрнинг Туркистон турклари бўлганидан далолат беради.

Тарихчиларнинг айтишича, Билга Ҳоқондан кейин ўтган, турклардан чиққан ҳеч бир улуғ ҳукмдор Темурбек каби миллий тушунчага урғу бермаган. Қорахонлар, Салжуқлар, Чингизхонлар, Хоразмшоҳлардан бирортаси ҳам Темурбекчалик ўз улуси — туркнинг ғурурини юксакка чиқара олмаган. Темурбек шундай деган: «Бизки, мулуки Турон, амири Туркистонмиз. бизки, турк ўғли туркмиз. Бизки, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи Туркнинг бошқўмондонимиз!» Бу ердаги сўнгги сўзларга қаранг: «дунё миллатларининг энг қадими ва энг улуғи бўлган туркларнинг бошқўмондонимиз!» Яъни туркистонлик Темурбек ўз юртдошларини бутун турк дунёсининг ўчоғи бўлган она Туркистондан эканини, ўз асрида барча турктилли элларни бирлаштириб, беш Туркистонни ўз ҳукмига олиб, Туронни тиклаганини, бутун туркларнинг бошқўмондони бўлганини айтиб, ғурур туймоқда. (Афсуски, бу ердаги «бошқўмондон» англамидаги «бошбуғ» сўзи тушунилмасдан «бошбўғинимиз» тарзида бузиб қўлланилмоқда — Т.Қ.)

Бугунда турк дунёсининг энг улуғ шоири саналаётган, Тошкентда, Кобулда, Урумчида, Анқарада йигирмалаб жилдлик асарлари босилаётган Навоий бобомиз ҳам она Туркистонни, она тилимиз туркчани ғурур билан куйлаган. Навоий бир достонида: «Ўнгда туркинавоз уруб достон, Кўзғолиб ҳар навода Туркистон!» дейди. Туркистон туркчасида битган девонларини Хитойдан то Хуросонгача, Табризгача, бутун Усмонли империясидаги давлатларда («Кўнгил бермиш сўзумга турк жон ҳам, не ёлғуз турк, балким туркмон ҳам» деганида Усмонли давлатини қурган туркманлар кўзда тутилган — Т. Қ.) бирдай ўқилишидан фахрланиб, «Агар бир қавм, гар юз, йўқса менингдур, Муайян Турк улуси худ менингдур!» дейди.

Туркман қардошларимизнинг буюк шоири Маҳтумқули девонларида ҳам Туркистон ва турклик ғурур билан куйланган. Шоир бир шеърида: «Маҳтумқули Туркистоннинг тўраси, Бир эрйигит, Суюнхоннинг сараси» дейди. Яна бир шеърида: «У ёқда Ҳиндистонни, бу ёқда Туркистонни, Авлиёлар уммони — Румни-Румонни кўрсам» дейди (Рум, Румо деганда шоир уч қитъада 1299-1918й.да ҳукмронлик қилган Усмонли салтанатини кўзда тутмоқда — Т. Қ.).

Қирғиз шоирлари ҳам Туркистонни минг йиллан бери куйлаб келишади. Дунёдаги энг катта достон саналган «Манас»да: «Кўкатой деган бой ўтди Туркистондай жойда деб...» дейилади, яна бир ўринда: «Сизга айтсам, ўғлонлар, Туркистон ери кенг бўлиб, сон-саноқсиз Хитойга Қирда қирғиз тенг бўлиб!..» дейилади.

Она-Ватанимиз Туркистонни бутун турк дунёси шоирлари минг-минг йиллардир куйлаб келмоқда. Тошкентда, Самарқандда, Қозонда, Урумчида, Кобулда, Бокуда, Истанбулда, Мисрда, Патрасбургда, Олмонияда, АҚШда Туркистон ҳақида минглаб китоблар босилган. Туркиянинг ўзида бу мавзуда 1975 йилгача чиққан китоблар икки юз олтмишдан ортиқ эканлигини уйғур Шакур Турон битган библиографик тўпламдан билса бўлади. Мен бир неча йиллардан бери дунёнинг беш қитъасида яшаган ва яшаётган турктилли шоирларнинг Туркистон оти ўтган шеърларини йиғиб, ўзбекчалаштяпман, тўплаяпман, ҳозирда каттагина бир тўплам бўлиб қолди. Туркистон фақат шеърларда эмас, бугунда Ўзбекистондаги кўпгина жой кўчалар, нашрлар, ташкилотлар, саройлар оти ўлароқ яшаб келмоқда. Олдин таъкидлаганимиздек, республикамизда «Туркистон — умумий уйимиз» шиорининг ўртага ташланиши ва бир жамият тузилиши, маълум ишлар қилинаётгани севинарли ҳол, албатта. Она-Ватанимиз Туркистонга хизмат қилиш, уни асраш — уни билишдан, ўрганишдан бошланади. Эллигинчи йиллардаёқ бир тарихчи Ўртаосиё дейилаётган ғарбий Туркистон саноат соҳасида Осиёда Японияндан кейин иккинчи ўринда туради, деб ёзганди.

Демак, истаганим шуки, Туркистоннинг, ўзимизнинг дунё майдонида қаерда турганимизни, ёнимиздагилар ким ва қандай ўлкалар — буни яхши билишимиз керак. Туркистонни ўрганиш ўзлигимизни англашда бош йўлдир. Қўшниларимиз билан қозоқ, қирғиз, уйғур, туркман, тожик каби Туркистонликлар билан қардошларча муносабатларимиз ҳам Туркистон тушунчаси кенгайган сари ҳар томонлама мустаҳкамланиб боради. Оталаримиз айтгани каби беш бармоқ бир муштга айланса, катта куч бўлади. Турмушдаги ҳар қийинчилик енгиб ўтилади, яшаш гўзаллашади.

Тоҳир ҚАҲҲОР

Она дуоси

Ўтган ёзда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ва Саудия Арабистонидаги расмий ташрифлари ва Ислом конференциясининг 9-саммити ҳақидаги ҳисоботини тинглаш учун Олий Мажлиснинг ҳар палаталарида ўтказилган йиғилишлар ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини четлаб ўтмаган, ҳар биримизга, ҳар оилага, ҳар ишлаётган ва ишсиз, ҳар ёш ва қариларга, ҳар ҳунарманд ва ишбилармонга, ҳар ўқувчи ва талабага, ҳар ҳаваскор ва ҳаваскорларга, ҳар ҳаракатчи ва ҳаракатчиларга, ҳар ҳаракатсиз ва ҳаракатсизларга, ҳар ҳаракатсизлик ва ҳаракатсизликка, ҳар ҳаракатсизлик ва ҳаракатсизликка, ҳар ҳаракатсизлик ва ҳаракатсизликка